



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 7 ноябрь, № 229 (9124)

Жума

Сайтимиға ўтиш учун QR-коддани телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 ноябрь куни Вашингтон шахрига амалий ташрифи доирасида Оқ уйда Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп билан учрашув ўтказди.



Президентимиз дастлаб Оқ уйнинг Фахрий меҳмонлар китобида қайд ёзиб қолдирди. Сўнг Овал хонада етакчилар музокара ўтказди-

лар. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни мустахкамлаш, савдо-иқтисо-

дий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Жорий йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида

олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб

масалалар, шу жумладан, “C5+1” форматида Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Дональд Трампни ички ва ташқи сиёсатдаги юксак муваффақиятлари билан самимий табриклади. Унинг ўқир халқаро ва минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал этиш борасида қўшаётган шахсий ҳиссаси ва савб-харакатлари алоҳида қайд этилди.

Дональд Трамп шу кунларда Ўзбекистон етакчиси АҚШ ҳукумати вакиллари, йирик компаниялари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан самарали учрашув ва музокаралар ўтказганини олқишлади.

Етакчилар қўшма лойиҳаларни илгари суришининг институционал механизмларини яратиш ва тақомиллаштириш муҳимлигини таъкидладилар.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари АҚШ етакчиси Уэй учун қўлай муҳдатда Ўзбекистонга расмий ташриф билан келишга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

TRUTH.

Truth Details

628 replies



Donald J. Trump

@realDonaldTrump

I am thrilled to announce an incredible Trade and Economic Deal between the United States and Uzbekistan. Over the next three years, Uzbekistan will be purchasing and investing almost \$35 Billion Dollars and, in the next 10 years, over \$100 Billion Dollars, in key American Sectors, including Critical Minerals, Aviation, Automotive Parts, Infrastructure, Agriculture, Energy & Chemicals, Information Technology, and others. I want to thank Uzbekistan's Highly Respected President, Shavkat Mirziyoyev. We look forward to a long and productive relationship between our Countries!

1.55k ReTruths 6.23k Likes 11/7/25, 7:26 AM



АҚШ Президенти
Доналд Трамп
«Truth Social» ижтимоий тармоғидаги саҳифасида куйидаги постни ёзиб қолдирди:

«Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги мисли қўрилмаган савдо-иқтисодий келишувни эълон қилишдан мамнунман. Яқин уч йил ичида Ўзбекистон Американинг муҳим минераллар, авиация, автомобиль бутловчи қисмлари, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва кимё, ахборот технологиялари ва бошқа муҳим тармоқларига қарийб 35 миллиард доллар, келгуси ўн йилда эса 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш ва харидларни амалга оширади.

Мен Ўзбекистоннинг юксак ҳурматли Президентини Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдираман. Мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва самарали муносабатларни интизорлик билан кутамиз!».

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «C5+1» ФОРМАТИДАГИ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ЧАҚИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Президентининг расмий қароргоҳи — Вашингтон шаҳридаги Оқ уйда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг «C5+1» форматидаги саммитида иштирок этди.

Президент Дональд Трамп раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ етакчиси асос солинганидан буён ўтган 10 йилда минтақавий савдо, транспорт ва энергетика алоқаларини ривожлантиришнинг самарали механизмига айланган «C5+1» форматидаги саммит ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу саммит Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги стратегик мулоқотни ривожлантиришда янги босқични бошлаб бериши таъкидланди.

«C5+1» формати доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида давлатимиз раҳбари қатор ташаббусларни илгари сурди.

Аввало, иштирокчи мамлакатларда навбати билан жойлаштирилаётган доимий фаолият юретидаги Котибиятни таъсис этиш таклиф қилинди.

Давлат идоралари, компаниялар ва молия институтлари ўртасида тизимли мулоқотни таъминлаш мақсадида вазирлар даражасида Инвестициялар ва савдо бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, «Марказий Осиё инвестициявий шериклиги» жамғармасини ишга тушириш долзарб экани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси Марказий Осиёни Жанубий Кавказ ва Европа билан боғлайдиган йирик транспорт-коммуникация ва энергетика лойиҳаларини амалга оширишда АҚШ билан фаол ишлашга тайёрлигини билдирди.

Муҳим минералларни қидириш, қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш борасидаги савб-харакатларни самарали мувофиқлаштириш, шунингдек, тайёр маҳсулотларни глобал етказиб бериш занжирларига киритиш учун Махсус қўмитани тузиш таклиф қилинди.

Минтақа қишлоқ хўжалигини Америка технологияларини жорий этган ҳолда модернизация қилиш мақсадида Минтақавий агротехнологик инновациялар шериклигини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Гуманитар алоқаларни мустахкамлаш мақсадида Ўзбекистон Президенти АҚШнинг етакчи музейларида Марказий Осиё мамлакатларининг маданий меросига бағишланган қўшма кўргазмаларни ташкил этиш таклифи билан чиқди.

Давлатимиз раҳбари навбатдаги саммитни Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф қилди.

Тадбирда бошқа етакчилар ҳам сўзга чиқди.

Саммит якунида кўп томонлама ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи якунланди.

Ўзбекистон — АҚШ:

Кўп қиррали ҳамкорлик истиқболлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 4 — 6 ноябрь кунлари амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 6 ноябрь куни Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг «C5+1» форматидаги саммити тадбирлари доирасида бир қатор нуфузли делегациялар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар етакчиларини қабул қилди.

АҚШ Экспорт-импорт банки раҳбари Жон Йованович билан учрашувда ушбу нуфузли институт билан тайёрланган қўшма дастур асосида энергетика, муҳим минераллар, транспорт, қишлоқ хўжалиги, АТ ва бошқа устувор йўналишлардаги йирик лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Эксимбанк ҳукуматнинг расмий экспорт-кредит агентлиги бўлиб, АҚШ компанияларининг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлайди ҳамда уларга суғурта, қафолат ва кредит воситаларини тақдим этади.

Эксимбанкнинг мамлакатимиз авиациясини модернизация қилиш ва «Boeing» самолётларини етказиб беришдаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Амалий ҳамкорликни давом эттириш ва Узоқ муддатли шериклик режасини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ҳузурда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда АҚШ Эксимбанки ўртасида имзоланган Қўшма лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги битим амаллашди.

АҚШ Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) бош директори Бен Блэк билан учрашувда олий даражадаги фаол мулоқотлар ва савдо-инвестициявий ҳамкорлик кенгайтириш бўйича мамнуният билан қайд этилди. Энергетика, муҳим минераллар, молия, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва АТ соҳаларида йирик қўшма ташаббуслар ишлаб чиқилмоқда.

Амалий шерикликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун қўшма инвестиция платформасини яратишни жадаллаштириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Тошкент шаҳрида корпорациянинг минтақавий офисини очиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари корпорациянинг инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда давлат-хусусий шериклик асосида иштирок этиши муҳимлигини таъкидлади.

«DFC» — АҚШнинг миллий ривожланиш институти бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма ва саноат лойиҳаларини амалга ошириш учун ху-

сусий капитални сафарбар қилиш билан шуғулланади.

«General Motors International» компаниясининг глобал ижрочи директори Шилпан Амин билан учрашувда ушбу корпорация билан узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Компаниянинг мамлакатимиз автомобил саноатини ривожлантириш ва диверсификация қилишдаги муҳим ўрни қайд этилди.

Сўнгги 5 йил ичида компания томонидан 1,6 миллион донга автомобиль ишлаб чиқарилди, Ўзбекистон «Chevrolet» бренди учун АҚШдан кейин иккинчи йирик бозорга ҳамда Марказий Осиё ва МДХ бозорларида сотувлар бўйича етакчига айланди.

Ишлаб чиқариш кооперациясини янада ривожлантириш, маҳсулотлар турини кенгайтириш ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Замонавий машинасозликда талаб юқори бўлган янги технологиялар ва ҳомашё ресурслари соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокима қилинди.

Америка Қўшма Штатлари савдо вазирлиги Ховард Латник билан учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустахкамлаш, савдо ва инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Кўп қиррали Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми 4 баробар кўпайиб, қарийб 1 миллиард долларга етди. Ўзбекистонда АҚШнинг 300 дан ортиқ компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва инновация соҳаларида қатор йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Савдо алоқаларини мустахкамлаш, худудлараро ҳамкорликнинг самарали механизmlарини яратиш, шунингдек, Мувофиқлаштирувчи кенгаш таъсис этишдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. АҚШдан соя ва пахта етказиб бериш, шунингдек, Американинг илгор томчиларига таълим бериш, ривожланишнинг жорий этиш бўйича дастлабки шартномалар тузилган.

Музокаралар якунида қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун инвестиция платформасини яратиш орқали амалий ҳамкорликни фаоллаштиришга келишиб олинди.

АҚШнинг етакчи компаниялари, инвестиция фондлари ва молия институтлари вакиллари билан ўтказилган давра суҳбатидида АҚШ савдо вазирлиги Ховард Латник, Президентнинг махсус ёрдамчиси Рикки Гил, Президентнинг махсус вакили Паоло Замполли, қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўринбосари Стивен Ваден, шунингдек, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раҳбарлари, «Traxys», «FLSmidth», «McKinsey», «Meta», «Google», «Amazon», «Boeing», «Air Products», «Axiom Space», «Cove Capital», «Freeport-McMoRan», «Orion CMC», «Cargill Cotton», «John Deere», «Honeywell», «Valmont Industries», «Flowserve Corporation» каби йирик корпорация ва компанияларнинг юқори даражадаги менежерлари иштирок этди.

Учрашув аввалида Ўзбекистон етакчиси сўнгги 8 йил ичида АҚШ билан товар айирбошлаш ҳажми 4 баробар ошгани, мамлакатимизда АҚШнинг 300 дан ортиқ компаниялари муваффақиятли фаолият юритаётганини таъкидлади.

Президентимиз ҳамкорликнинг бугунги даражаси биргаликдаги ишларга кенг истиқбол очадиган янги босқичнинг бошланиши эканини алоҳида таъкидлади. АҚШ Президенти Дональд Трамп билан бўлажак учрашувда иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари ва янги қўшма ташаббуслар муҳокима қилиниши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликнинг устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди.

2030 йилга бориб Ўзбекистонда 18 — 20 гигаваттлик қайта тикланувчи қувватларга эга янги энергетика тизими яратилади, электр энергиясининг ярмидан кўпи куёш ва шамол энергияси ҳисобидан ишлаб чиқарилади.

Шу маънода, Ўзбекистон ва АҚШ уран, мис, вольфрам, молибден ва графит қазиб олиш ҳамда чуқур қайта ишлашни ривожлантиради. Ишончли етказиб бериш занжирларини яратиш ва АҚШнинг илгор қайта ишлаш технологияларини жорий этиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, автомобиль ва темир йўллар, терминаллар ва аэропортларни модернизация қилиш бўйича кенг қўламли дастур амалга оширилмоқда. 2030 йилгача транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга 12 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтириш режалаштирилган.

АҚШнинг «Google», «Meta», «NVIDIA» компаниялари билан рақамли ҳамкорлик кенгаймоқда. «Apple Pay» ва «Google Pay» тўлов тизимларини жорий этиш, Рақамли академия ва стартап-хаблар тармоғини яратиш шулар жумласидан.

Бундай лойиҳаларни илгари суриш ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун «DFC» корпорацияси ҳамда АҚШ Эксимбанки жалб қилиниши айтилди.

Яқунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ компанияларининг инвестиция ташаббусларини шахсан қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдириб, Ўзбекистон хорижий инвесторлар учун ишончли ҳамкор ва муваффақият қафолати бўлиб қолишини таъкидлади.

АҚШнинг етакчи компаниялари, инвестиция фондлари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан ўтказилган давра суҳбати якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ савдо вазирлиги Ховард Латник иштирокида икки томонлама битимларни алмашиш маросими бўлди.

Хусусан, қуйидаги ҳужжатлар имзоланган: — Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда «Denali Exploration group» компанияси ўртасида нодир ёр элементларини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда «Re Element Technologies» компанияси ўртасида нодир металллар соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда «Flowserve» компанияси ўртасида насос станцияларини модернизация қилиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Valmont Industries Inc» компанияси ўртасида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш тўғрисида битим;

— Рақамли технологиялар вазирлиги ва «Palo Alto Networks» компанияси ўртасида сунъий интеллект соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида битим;

— «Uzairways» ва «Boeing» компаниялари ўртасида самолётларни етказиб бериш бўйича шартнома;

— «Datacrop» ва «Luis Dreyfus Company» компаниялари ўртасида соя дуқкалари ва шрот етказиб бериш бўйича шартнома;

— «Ўзсаноатэкспорт» ва «Cargill» компанияси ўртасида пахта етказиб бериш бўйича шартнома.

Ў.А.

Сенаторлар — ҳудудларда

РАҚАМЛАШТИРИШ – КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Жиззах вилояти маҳаллаларида хавфсиз муҳитни шакллантириш, криминоген вазиятни барқарорлаштириш, ижтимоий профилактика тизимини кучайтириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Мазкур жараёнда ҳуқуқни муҳофазалаш органлари, мутасадди ташкилотлар, “маҳалла еттилиги” вакиллари, фаоллар ҳамда жамоатчилик иштирокида жойларда эришилган натижалар ва мавжуд камчиликлар таҳлил қилинди.

Хусусан, профилактик чоралар самарадорлигини ошириш, аҳоли билан яқин мулоқотни кучайтириш, жиноятчиликка сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш, давлат хизматларини кўрсатишда очиқлиқни таъминлаш, шунингдек, маънавий коррупция ҳолатларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, ишчи гуруҳ аъзолари Жиззах шаҳридаги Марказий дехқон бозори, Кимёгар маҳалласида жойлашган жарима майдончаси ва қатор савдо мажмуаларида фаолиятни рақамлаштириш жараёнлари билан танишди.

Ишчи гуруҳ томонидан рақамлаштириш орқали шаффофликни таъминлаш, маънавий коррупция ҳолатларининг олдини олиш ҳамда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Сенатор халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳам иштирок этди. У ўз чиқишида ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва криминоген вазиятни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилган ижобий ишларга ургу берди. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” фаолиятида йўл қўйилган айрим камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова Хоразм вилоятида бўлди. Ташриф доирасида Урганч туманидаги Шоліқорлар, Оқ ариқлар, Чакка қўли ва Шерматлар маҳаллаларида аҳоли вакиллари, фаоллар, “маҳалла еттилиги” таркиби ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан учрашувлар ўтказилди.

Мулоқотларда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, шунингдек, маҳаллаларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишда тизимли ҳамкорликни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашувлар давомида аҳоли томонидан ички йўлларни таъмирлаш, пиёдалар йўлаклари ва автойўллар масаласи, оилавий шифокор пунктларини ташкил этиш, ўл-жой субсидиялари ажратиш, автобус қатновини йўлга қўйиш ҳамда кўприкларни таъмирлаш каби долзарб масалалар кўтарилди. Аниқланган муаммолар юзасидан масъул раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди ва уларнинг бажарилиши назоратга олинди.

Шунингдек, сенатор томонидан фуқаролар қабули ҳам ўтказилди. Хусусан, Шерматлар маҳалласида яшовчи фуқаронинг Шоліқорлар, Уч кўприк ва Оқ ариқлар маҳаллалари аҳолиси учун оилавий шифокор пунктларини ташкил этиш бўйича мурожаати жойига чиқилган ҳолда ўрганилиб, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти зиммасига ушбу масалани ҳал қилиш вазифаси юклатилди.

«ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЙИ» ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАЙДОНИГА АЙЛанаДИ

Наманган вилояти ҳокимлиги қўмағида “Шабнам бетакорор курилиш” МЧЖ томонидан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятири федерациясининг Наманган вилояти ҳудудий бирлашмаси учун мўлжалланган “Истеъмолчилар уйи” маъмурий биноси бунёд этилди ва тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзолари Одилжон Маматкаримов ва Икром Нажмиддинов ушбу тадбирда қатнашди.

Сенаторлар ўз чиқишларида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли ислохотларга тўхталиб ўтди ва бу каби лоийҳалар аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш ҳамда мурожаатлар билан самарали ишлашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, “Истеъмолчилар уйи” нафақат мурожаатларни малакали кўриб чиқиш, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш майдонига айланади.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИК ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРИЙ МЕХАНИЗМИ



4 ноябрь куни Президентимиз амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрига борди ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда АҚШ етакчиларининг “C5+1” форматидagi саммитида иштирок этди. Шавкат Мирзиёевнинг ташриф доирасида ўтказган учрашувлари давлатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик алоқалари изчил ва мақсадли ривожланаётганини тасдиқлайди.

Аввало, ушбу нуфузли анжуманнинг давлатлар ривожига аҳамиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, “C5+1” формати минтақавий тараққиёт, иқтисодий барқарорлик, экология, энергетика, хавфсизлик масалаларида ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришнинг муҳим механизмига айланди.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Давлатимиз раҳбарининг Вашингтон шаҳрига амалга оширган ташрифи мамлакатимизнинг халқаро алоқаларида навбатдаги муҳим сиёсий воқеа бўлди. Ташриф давомида Президентимизнинг АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари, шунингдек, Сенатдаги Марказий Осиё бўйича кокуснинг ҳамраиси билан ўтказган учрашувлари Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг мустаҳкам асосга эга эканини аққол намоен этди.

Ушбу учрашувларда икки томонлама муносабатларни янада кенгайтириш, инвестиция ҳамкорлигини ривожлантириш, савдо алоқаларини ошириш, инновацион технологиялар, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва инфратузилма соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир аниқ таклифлар илгари сурилди. Парламентлар даражасида ҳамкорликнинг кучайиб бораётгани, хусусан, АҚШ Конгрессида Ўзбекистон бўйича кокус фаолиятининг кенгайгани давлатларимиз ўртасидаги ишончли мулоқотнинг амалий ифодасидир.

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ ТАШЛАНГАН ҚАДАМ

Халқаро эксперт ҳамда дунё етакчилари таъкидлаганидек, жаҳон сиёсий сахнасида Ўзбекистоннинг фаол ва прагматик ташқи сиёсати изчил ривожланиб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 4-6 ноябрь кунлари Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи мамлакатимиз ташқи сиёсий стратегиясида навбатдаги муҳим босқич бўлди.

Мазкур сафар доирасида Президентимиз “C5+1” форматидagi Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчилари иштирокидаги саммитда қатнашди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, сўнгги йилларда “C5+1” формати минтақавий мулоқотнинг муҳим сиёсий платформаси сифатида шаклланди. Бунга амалдаги АҚШ ҳукумати маъмуриятининг Марказий Осиё минтақасига нисбатан ижобий қарашлари ўзгарганлигини, алоқалар изчил ривожланиб, сиёсий, иқтисодий ҳамда хавфсизлик соҳаларидаги шериклик мустаҳкамланганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг мазкур саммитдаги иштироки мамлакатимиз ташқи сиёсатининг очиклик, прагматизм ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланишини яна бир бор намоен қилди. Ташрифнинг дастлабки кунинда Президент Шавкат Мирзиёев АҚШ Конгресси ва Сенати вакиллари билан олиб борилган музокараларда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш масалаларига эътибор қаратилди.

Хусусан, учрашувларда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. АҚШ Конгрессида Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кокус фаолиятининг самаралари йўлга қўйилгани, жумладан, “Ўзбекистон кунлари” ўтказилиши аънаъига айлангани икки давлат парламентлари ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Бундан ташқари, АҚШнинг етакчи компаниялари билан рекорд қийматдаги инвестициявий келишувлар имзоланиши Ўзбекистоннинг жозибадор иқтисодий муҳити ва ишончли ҳамкор сифатидаги имижини мустаҳкамламоқда.

Шу боис Ўзбекистон учун мазкур ташриф ҳам икки томонлама, ҳам минтақавий аҳамиятга эга. Сабаби Марказий Осиё давлатларининг АҚШ билан биргаликдаги саммити минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ташқи дунё билан мувозанатли муносабатларни йўлга қўйишда муҳим қадамдир.

Ўзбекистон етакчилигининг АҚШга амалий ташрифи ва “C5+1” форматидagi саммитдаги иштироки давлати-

Унинг асосий мақсади — доимий дипломатик мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш, транспорт ва энергетик боғлиқликни мустаҳкамлаш, савдо, бизнес ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш.

Мазкур саммитнинг 2023 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган илк турида қабул қилинган “Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида”ги қўшма декларация АҚШнинг Марказий Осиё давлатлари суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашга содиқлигини тасдиқлайди.

Бугунги кунга қадар мазкур формат асосида қўллаб-қувватлашга учрашувлар ўтказилди. Унда Ўзбекистон фаол ва конструктив позицияни эгаллаб, ўзаро ҳамкорликнинг институцио-

Акс садо

дош таълим имкониятларининг кенгайишига хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи давомида минтақавий хавфсизлик, барқарор ривожланиш ва транспорт-логистика йўлакларини кенгайтириш масалаларида ҳам муҳим фикр алмашилди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамкорлик тамойилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсий позицияси халқаро майдонда эътироф этилмоқда.

Мазкур ташриф давлатимизнинг халқаро сахнадаги нуфузини ошириб, стратегик шерикликни янги сифат босқичига олиб чиқади ва мамлакатимизнинг очик, узоқ муддатли ва прагматик ташқи сиёсатининг самарадорлигини тасдиқлайди.

Қувондиқ САНАКУЛОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Навоний КМК» АЖ бош директори.

платформаларини яратди, бу эса Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон — АҚШ парламентларо алоқалари ҳам юқори даражада ривожланмоқда. 2018 йилда АҚШ Конгрессида Ўзбекистон бўйича кокус тузилган бўлиб, унда икки партия вакиллари қатнашди. Конгресс делегацияларининг ташрифлари мунтазам ташкил этиляпти. Айни пайтда парламентлар ўртасидаги мулоқот ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Конгрессда Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кокуснинг фаолияти изчил кенгайиб бораётгани, ҳар йили уюштирилаётган “Ўзбекистон кунлари” анжумани, қонун чиқарувчи органлар ҳамда депутатлар ўртасидаги ташрифлар ва муҳокамалар икки томонлама муносабатларнинг амалий мазмун билан

ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАЙРИҲОҲЛИК НАМУНАСИ

Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда икки давлат муносабатларида туб бурилиш кузатилиб, ўзаро алоқалар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

АҚШ Ўзбекистон иқтисодиётидаги муҳим инвесторлардан бири бўлиб, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика ва ахборот технологиялари соҳаларида фаолият юритувчи компаниялар орқали иштирок этаётир.

Шунингдек, икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Ўзбекистонда бизнес муҳитини яхшилаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва хорижий сармоядорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини кучайтириш каби қадамлар америкалик инвесторлар учун янги имкониятлар яратмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари конструктив мулоқот ва амалий ҳамкорлик асосида шаклланмоқда. Икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик нафақат икки томонлама, балки бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Жорий йилда БМТ Бош Ассамблеясининг юбилей сессияси доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президенти Дональд Трамп ўртасида бўлиб ўтган учрашув икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очди.

Нью-Йоркда ўтказилган ишбилармонлик форумлари, америкалик инвесторлар билан бўлиб ўтган музокаралар натижасида фуқаро авиацияси, тоғ-кон саноати, молия ва инновациялар, кимё, энергетика ва бошқа устувор йўналишларда умумий қиймати 100 миллиард доллардан зиёд бўлган шартномалар ва истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда “General Motors”, “Hyatt”, “John Deere”, “Boeing”, “Coca Cola” ва бошқа йирик компаниялар фаолият юритапти.

Сўнгги йилларда маданий гуманитар ҳамкорлик ҳам кенгайиб бораётир. Тошкент ва Сиэтл, Бухоро ва Сент-Пол, Зарафшон ва Клинтон шаҳарлари ўртасида биродарлик ришталари ўрнатилган. 2019 йил

“Webster University” универсitetининг Тошкент филиали очилган. Ўтган йилда Аризона штати университети ҳамкорлигида Америка технологиялари университети иш бошлади.

Бугун АҚШдаги йирик компания ва корпорациялар, халқаро молия институтлари, глобал тузилмаларнинг бош офисларида масъулиятли мутахассислар меҳнат қилаётган, ўз бизнесини йўлга қўйган, шунингдек, “ТОП — 100”талика кириданган нуфузли университетларда, илмий-тадқиқот марказларида таҳсил олаётган ўзбекистонликлар сафи кенгайиб бормоқда. Уларнинг мақсади — халқаро илгор тажрибалар, илм-фан ютуқларини ўрганиш орқали Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўиш ва иқтисодиётимизга янги инновациялар олиб кириш.

Олий даражадаги ташрифлар доирасида тигиз кун тартибига қарамай ватандошлар билан мулоқотга ҳамisha вақт топадиган Президентимизни бу гал ҳам океан ортидаги ўзбекистонликлар кўтаринки руҳда кутиб олди. Мамлакатимиз етакчилигининг Вашингтондаги қароргоҳи олдида ҳам бўлган юртдошларимизнинг хурсандчилиги, меҳр-муҳаббат, эҳтиромини уларнинг ислохотларга ҳайрихоҳлиги намунаси дейиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга бу галги ташрифи ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги босқичини бошлаб берди. Бу нафақат икки томонлама муносабатлар ривожини, балки мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлигини, халқаро майдондаги обрўси учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Гулжан ХАЛМУРАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТАШҚИ СИЁСАТДА ПРАГМАТИК ЁНДАШУВ

Вашингтонда бўлиб ўтган Америка Қўшма Штатлари, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон етакчилари иштирокидаги “C5+1” саммити бутун Марказий Осиё учун янги сиёсий ҳамда иқтисодий тараққиётни белгилаб бериши мумкин бўлган стратегик воқеадир. Бу йил мазкур форматнинг 10 йиллиги нишонланиши ҳам унинг халқаро майдондаги аҳамиятини янада оширмоқда. Чунки ўтган йиллар давомида мазкур формат минтақавий мулоқотнинг синондан ўтган, самарали платформасига айланди.

“C5+1” бугун нафақат минтақадаги сиёсий жараён, балки глобал барқарорлик масалаларида ҳам муҳим роль ўйнай бошлади. Етакчилар иқтисодий барқарорликдан хавфсизликкача бўлган устувор йўналишларда яқдил фикр бирдирмоқда. Зеро, Марказий Осиёнинг ҳар бир давлатини ягона манфаат — барқарор ривожланиш, тинчлик ва фаровонлик йўли бирлаштиради. Маълумки, минтақанинг геогра-

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайли ташқи сиёсатда мувозанатли ва прагматик ёндашув илгари сурилмоқда. Афғонистон билан амалга оширилаётган мулоқот бунга ёрқин мисолдир. Ўзбекистон ушбу мамлакат билан иқтисодий алоқаларни сақлаб, гуманитар ёрдам кўрсатишнинг давом эттирмоқда. Бу орқали чегаралар ортидан келиши мумкин бўлган хавфлар чекланди. Демак, минтақада барқарорликни таъминлашнинг энг самарали усули ихоталаш эмас, балки жалб этиш экани амалда исботланди.

АҚШнинг ҳақиқий қудрати унинг хусусий секториди. Агар Вашингтон бу салоҳиятни Марказий Осиё орқали оқилонга йўналтира олса, на-

фақат минтақа иқтисодиёти, балки глобал ҳамкорлик архитектураси ҳам янгича қиёфа касб этади. Чунки бугун Марказий Осиё стратегик кўприқдир. У Россия ва Эрон бозорига, Жанубий Осиё ва Хитой иқтисодиётига, Европа энергия талабига боғловчи марказга айланиб бормоқда.

Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг фаол иштирокини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки айнан Ўзбекистоннинг прагматик ва мувозанатли сиёсатини тан олиш натижасида Марказий Осиё “C5+1” форматидagi мулоқотнинг асосий драйверига айланди. Президентимиз ташаббуси сабаб бу формат янги мазмун касб этди. Геосиёсий эмас, амалий иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликка асосланган механизм сифатида шаклланди.

бойишига хизмат қилмоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган учрашувларда ҳам савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни чуқурлаштириш, саноат кооперацияси, инновацион ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасида муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Бундан ташқари, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, таълим ҳамда академик алмашув дастурларини рағбатлантириш бўйича ҳам қўшимча имкониятлар мавжуд. Бу каби мустаҳкам алоқалар ёш авлодни ўзаро тушуниш ва дўстлик руҳида тарбиялашда муҳим омил саналади.

Қўтбидин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофиа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР

Жорий йилда БМТ ташкил топганига 80 йил тўлди. Дунёнинг турли мамлакатларида энг юксак ташкilot юбилейи кенг нишонланаётган бир пайтда мамлакатимиз етакчисининг ташаббуси ва таклифига кўра, Марказий Осиёнинг уриб турган юраги — Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида БМТ ҳузуридаги халқаро институт — ЮНЕСКОнинг 43-сессияси ўтказилмоқда.



Бугун дунёнинг қайси давлати матбуоти ва телеканалларига назар солсангиз, уларда ушбу конференциянинг ўтказилаётган жойига, аҳамиятига ва мазмунига урғу қаратилмоқда. Тарихга назар солсак, ЮНЕСКО сессияси Париждан ташқарида 40 йилдан сўнг ilk бор бошқа давлатда ўтказилмоқда. Хўп, нега бундай? Нега айнан

Самарқанд? Бу қадим кент — Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, тарихан тамаддун бешиги, дунё гавҳари, очик осмон остидаги музей-шаҳар, қолаверса, ўтмиш икки Ренессансга асос бўлган. Президент Шавкат Мирзиёев катта қудрат, куч билан учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш сари интилаётган Ўзбекистоннинг муҳим бўлагидир.

Мазкур саммит давлатимиз раҳбарининг иродаси ва халқпарвар сиёсати натижасида Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганидан, шунингдек, бутун Марказий Осиё минтақаси маданий, маънавий ва гуманитар ҳамкорлик маркази сифатида тобора катта эътирофга сазовор бўлаётганидан далолат беради.

Албатта, ЮНЕСКО ўз сессияси ўтказилаётган жойини белгилаш, ўзининг 40 йиллик аънанасини бузишдан олдин Самарқанднинг инсоният тамаддуни, илм, санъат, маданият, маърифат ва маънавий эр соҳаларидаги бой тарихини, меросини инobatла олган, десак, асло муболага бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг бу халқаро конференцияда иштироки ва сўзлаган нутқи дунё жамоатчилиги эътиборини тортиди. Тарихий нутқнинг аҳамияти шундаки, бугун инсониятнинг тинч ҳаётига солинаётган турли кўринишдаги таҳдидлар, мамлакатлар ўртасида геосийсий, мафқуравий ва курул-ли урушлар авж олаётган бир даврда Ўзбекистон дунёга эзгулик, инсонлар, миллатлар, халқлар ўртасида тотувлик, бағрикенглик, биргаликда фаровонлик сари интилиш каби улғувор тақлиф ва ташаббусларни илгари суриши



кўплаб мамлакат раҳбарлари, халқаро соҳаларнинг етук экспертларини ҳам қизғин ва ижобий мулоҳазалар қилишга чорламоқда.

Президентимиз ўз нутқида истиқболда ЮНЕСКО билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбарининг йўналишлар бўйича билдирган тақлифлари қаторида таълим соҳасидаги ташаббуслари алоҳида диққатга сазовор. Жумладан, ЮНЕСКОнинг эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини жорий этиш, жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш, Ўзбекистонда ЮНЕСКО иштирокида “Сунъий интеллект —

мактаб” намунавий лойиҳасини амалга ошириш, сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро экспертлар анжуманини ўтказиш каби амалий тақлифлар дунё аҳли, соҳа мутахассислари томонидан ҳам эътироф этилди.

Юртимиз раҳбарининг ҳар гал халқаро форумлар, саммитлар, конференциялардаги нутқларини эшитар эканмиз, ҳар бир тақлиф ва ташаббусларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, юртимизнинг узоқ йилларга белгиланган давлат дастурлари стратегик мақсадларида кўзда тутилганини кўрамиз, эшитамиз.

Уларнинг халқаро институтлар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилиши мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат қанчалик демократик, халқпарвар эканлигидан, унинг халқаро миқёсда кўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Самарқанд шаҳрида ўтказилиши нафақат ўзбекистонликлар, балки Марказий Осиё халқларининг ҳам ютуғи ҳисобланади. Ҳар бир юртдоши-миз бундай эзгу ҳаракатларни кўллаб-қувватлаб, уларнинг рўёбига ўз муносиб ҳиссасини қўймоғи зарур.

Зеро, бундай халқаро конференциялар ватандошларимизни Янги Ўзбекистон барпо этиш, унинг Ренессансининг пойдеворини қуришдек улғувор мақсадлар сари чорлайди.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори, профессор.



ПОПДАГИ ҚЎШМА КОРХОНАНИНГ НАВБАТДАГИ ЛОЙИҲАСИ

Бирлашган Араб Амирликлари молиявий иштирокида ташкил этилган “Pop sement” қўшма корхонасида эҳтиёж юқори бўлган қурилиш ашёси ишлаб чиқарилади.

Бу ерда яқинда амалга оширишга киришилган навбатдаги лойиҳанинг умумий қиймати 20 миллион долларга тенг ва унинг ижроси натижасида йилига 200 минг тонна саноат оҳағи ва 12 минг тонна пардозбоп қоришма (шпат-левка) тайёрлаш қувватлари юзага келади.

— Ушбу лойиҳа ҳудуд иқтисодиётига яхшигина наф келтиради, — дейди Поп тумани ҳокимининг ўринбосари Равшанбек Онарбоев. — Бу ерда, биринчи навбатда, юздан ортиқ янги меҳнат ўринлари юзага келиб, тайёрланадиган маҳсулотнинг уч миллион долларга тенг қисми экспорт қилинади. Янги ҳўжалик юритиш субъектининг маҳаллий бюджетга қўшадиган ҳиссаси 6 миллиард сўмдан ошади.

ЧУСТ ҲУНАРМАНДЛАРИ КИЧИК ШАҲАРЧАДА ЖАМЛАНАДИ

Азалдан қўлигил ҳунармандлар маскани ҳисобланган Чуст ўзининг ипак аралаштириб тикилган тўрт гулли бежирим дўппи ҳамда каштачилик буюмлари, совғабоп миллий пичоқлари билан дунёга доврүк таратган.

Аждодлардан қолган бу мерос авлодлар қўлида янада сайқал топиб бормоқда. Маҳаллий ҳокимият ушбу юмушни ардоқлаб келаётган иқтидор эгаларини кўллаб-қувватлаш, уларга қулай меҳнат инфратузилмасини яратиб бериш мақсадида эзгу ташаббусга қўл урди — туман ҳудудидан ўтган катта автомобиль йўли ёқасида “Ҳунармандлар шаҳарчаси” барпо этилади.

— Янги маскан учун 16,6 гектардан иборат майдонда ҳозирга қадар кичик устакхона ва ўз ҳовлиларида шуғулланиб келаётган ҳунармандларга ҳар бири беш сотихдан 169 та лойиҳа майдони ажратилди, — дейди Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари Оқибжон Иномов. — Улар ҳўнарни саноат усулига қўчирган ҳолда ўз бизнесларини ривожлантиради.

Ташаббускорларнинг айтишига қараганда, ихтисослаштирилган шаҳарчада, биринчи навбатда, миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш йўлга қўйилади. Бу билан тадбиркорларнинг дўппидўзлик, пичоқчилик, заргарлик, зардўзлик, ўймакорлик каби йўналишлардаги лойиҳалари ижросига кенг йўл очилади. Улар ҳудудда барпо этилаётган кўп қаватли уйларнинг пастки қисмида устакхона ва дўконлари жойлаштирилади. Бинонинг юқори қаватларидан эса тураржой хонадонлари ўрин олади.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН «АЛОМАТХОН»

Мингбулоқ тумани ҳокимлигининг ахборот хизмати замонавий технологияларни жорий этиш йўлида яна бир муҳим қадам қўйди. Эндиликда туман янгилликлари сунъий интеллект асосида яратилган виртуал муҳбир — «Аломатхон» орқали тақдим этилади.

«Аломатхон» — бу инсон овози, нутқи ва юз ифодаларини табиий тарзда акс эттира оладиган AI-журналист. У туманнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида тайёрланган расмий ахборотларни овоз, видео ва матн шаклида кенг жамоатчиликка етказиб боради.

Янги лойиҳа ижроси билан маҳаллий ахборот узатиш жараёни тезлашади, хабарлар кенг аудиторияга ишончли ва замонавий тарзда тарқатилади.

— «Аломатхон» Фарғона водийси туманлари орасида ilk бор Мингбулоқда жорий этилди, — дейди туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Шохрух Кенжаев. — Бундан бир неча кун аввал синовдан ўтган AI-муҳбир ўзининг барча жиҳати билан жамоатчиликка маъқул тушмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

«ZAYTUN TECH» MCHJ

«ZAYTUN TECH» AJ shaklida qayta tashkil etilayotganligi haqida xabar bermoqda.

Shu bilan birga, “ZAYTUN TECH” AJ “ZAYTUN TECH” MCHJning barcha huquq va majburiyatlarining to'liq huquqiy vorisi bo'ladi. “ZAYTUN TECH” MCHJning barcha kreditorlari korxona qayta tashkil etilayotganligi to'g'risida ushbu xabar chop etilgan sanadan boshlab 30 kunlik muddat ichida jamiyatning tegishli majburiyatlari muddatidan ilgari tugatilishi yoki bajarilishi bo'yicha savollar bo'lsa, yozma talabnomalar bilan

Toshkent shahri, Yakkasaray tumani, Bobur ko'chasi, 73-“A” uy manziliga murojaat etishizgiz mumkinligini ma'lum qilamiz.

Давр нафаси

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида маҳалла институтига беқисс эътибор қаратилаётгани барчага маълум. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 14 октябрь куни маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳалла тизимини ривожлантиришга қаратилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича галдаги вазифалар белгиланган берилди. Мазкур йиғилишда маҳалланинг ҳақиқий аҳамияти, у орқали аҳолининг турмуш сифати ва давлатнинг бошқарув самардорлиги қандай юқори натижаларга олиб келиши мумкинлиги амалда кўрсатиб берилди.

Бугунги маҳалла:

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИК УЙЎНЛИГИ



Маҳалла нафақат энг яқин ижтимоий тузилма, балки ислохотлар майдони, одамлар тақдирини ҳал бўладиган муҳим нуқта эканлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди, десак, муболага бўлмайди.

Бу борада “еттилик” тизими жорий этилиб, маҳаллада кредит, субсидия, моддий ёрдам ва бошқа кўплаб хизматлар тўғридан-тўғри ташкил қилинаётгани 7,5 млн. фуқарони камбағалликдан чиқаришга, ишсизлигини икки баравар камайтиришга олиб келди.

Бугун 3,5 мингдан ортиқ маҳаллаларнинг қиёфаси бутунлай янгиланиб, замонавий кўриниш касб этгани ўз-ўзидан юз бермади — бу тизимли иш, теран ислохот ва халқ билан юзма-юз мулоқот натижасидир.

Ана шу тизимли янгиланиш ва ислохотларнинг ҳаётга самарали таъдиқ этилаётгани, айниқса, Сурхондарё вилояти мисолида кўзга яққол ташланмоқда. Чунки бу ерда ҳам маҳалла тизимига халққа энг яқин ва таъсирчан ислохотлар пойдевори сифатида қаралиб, барча саъй-ҳаракатлар, аввало, инсон манфаатига йўналтирилмоқда. Бу эса нафақат халққа кўрсатилаётган эътиборнинг амалий ифодаси, балки Янги Ўзбекистонни қуришда маҳалланинг нақадар муҳим устувор бўлган эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида вилоятда маҳаллалар тизимини ривожлантириш, аҳолига яқин хизматларни ташкил этишда қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Хусусан, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларга тезкор ечим топиш мақсадида маҳалла фаоллари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қу-чайтирилди. “Маҳалла еттилиги” ғоясига асосан, ҳар бир маҳаллада 7 асосий йўналиш бўйича тизимли иш олиб боришмоқда: ижтимоий ҳимоя, фаровонлигини ошириш, маърифий-маънавий тарбия, ҳудудни ободонлаштириш, қонунчиликни амалда қўллаш, ёшларнинг фаоллигини рағбатлантириш ва маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш.

Чунотчи, 180 дан ортиқ маҳаллаларда 300 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар амалга оширилди. Аҳолининг камбағалликдан чиқарилишида муҳим натижалар қайд этилди. Масалан, мақсадли ва инсон манфаатларига йўналтирилган ишларнинг натижаси ўлароқ, жорий йилнинг 9 ойи давомида 23,3 минг нафар оила камбағалликдан чиқарилди. Бу эса вилоятда камбағаллик даражасининг йил бошидаги 9,3 фоиздан 5,5 фоизгача камайиши-

эҳтиёж ва шароитлари чуқур ўрганилиб, ҳудудий имкониятлардан оқилона фойдаланишга қаратилган аниқ ва манзилли ёндашув турибди. Мисол учун, Узун туманидаги Янги рўзгор маҳалласи тажрибаси асосида танлаб олинган 9 та маҳаллада узумчиликни ривожлантириш мақсадида ҳудуднинг иқлим ва ер шароитига мос равишда войиш усулида узум етиштириш йўлга қўйилди. Натижада 27 та камбағал оилага субсидия, 262 та хонадонга кредит, 85 та оила эса ўз маблағлари ҳисобидан узумчиликни бошлади. Жами 374 та хонадоннинг томорқаси ва кўча юзларида узум плантациялари ташкил этилди. Танлаб олинган 9 та маҳалланинг айрим кўчаларида 2 775 метр узум войишлари ўрнатилиб, ҳозирда уларнинг узунлиги умумий ҳисобда 4,4 километрге етган. Йил охирига қадар бу масофани 8 километргача узайтириш режалашти-



рилган. Натижада ҳар бир оилага йилига 18 — 20 млн. сўмгача қўшимча даромад олиш имконияти яратилди.

Бу фақат бир маҳалладаги янгиллик. Ваҳоланки, Сурхондарёнинг барча туман ва шаҳарларида айнан шундай манзилли, маҳалла имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик, кооперация ва бандлик лойиҳалари амалга ошириляпти. Бу эса маҳалланинг ижтимоий муаммоларини билдириб турувчи эмас, балки уларни ҳал этувчи ва инсон ҳаётини яхшилаб борувчи ислохотлар майдонига айлалганини яққол тасдиқлайди.

Сурхондарёда ҳудуднинг иқтисодий қува-ти аҳолининг ташаббуси билан уйғунлашган ҳолда, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 723 та маҳалланинг 602 таси аниқ



йўналишларга ихтисослаштирилди. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш, кичик саноат тармоқларига ихтисослашган ҳолда маҳаллий имкониятлардан самарали фойдаланиш бошланди. Бу орқали нафақат ишсизлик камайяпти, балки маҳалланинг ички иқтисодий муҳити ҳам бойиб бормоқда.

Масалан, Қўмқўрғон туманидаги Янги авлод маҳалласида 1 021 та хонадондан 807 таси лимончилик билан шуғулланиб, 40 гектардан ортиқ томорқа майдонлари йил бўйи ишлайдиган даромад манбаига айланган. Денов туманидаги Чўнтош маҳалласининг 25 та хонадонида малина парваришланиши, хусусан, Абдурахим Очиловнинг 12 сотих еридан йилига 3,5 тонна мева етиштирилиб, 120 млн. сўм қўшимча даромад олинаётгани бунинг ёрқин мисолидир.

Вилоятда жами 49 минг гектар томорқа майдонини мавжуд бўлиб, бу 425 мингта хонадон учун табиий ресурсга айланмоқда. Аксарият томорқа ер эгалари йилига 2-3 марта ҳосил етиштириш ҳадисини олишган. Бу эса нафақат оилаларни даромадли фаолиятга чорламоқда, балки ички бозор барқарорлиги ва экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилаётир.

Маҳалланинг ислохотлар пойдевори сифатидаги нуфузи фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам ўз ифодасини топмоқда: 2024-2025 йилларда ўз хизмат биносига эга бўлмаган 110 та маҳаллага замонавий бинолар қуриб берилди. Жарқўрғондан Деновача, Қўмқўрғондан Термизгача тикланган ва таъмирланган юзлаб бинолар халқ учун қим, фаол ва самарали маҳалла тизимига хизмат қилмоқда. Бугун маҳалла раиси халқ ораси-



да, қулай шароитда фаолият юритмоқда. Айни пайтда эса маҳаллий бюджет имкониятлари ва халқ ташаббуси асосида яна 13 та маҳалла замонавий хизмат биносига эга бўлиш арафасида, чунки инсонга эътибор ва маҳаллага ғамхўрлик — Янги Ўзбекистон ислохотларининг негизийдаги масала.

“Ашил макон” умумимиллий лойиҳаси Сурхондарё маҳаллаларида фақат дарахт экиш эмас, балки барқарор даромад, обод муҳит ва келажақ учун ишонч устунига асос солмоқда — 50 мингдан ортиқ хонадонлардаги 500 мингга яқин мевали дарахт кўчатлари бунинг ёрқин исботидир.

Умуман олганда, юртимизда маҳалла тизимига янги нафас, янги мазмун кириб келмоқда. Президентимиз раислигида ўтказил-

Сайдулло АБДУРАИМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИЗЧИЛ ЮКСАЛИШ

Бунга соҳани модернизациялаш ва диверсификация қилиш эвазига эришилмоқда

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий таянч соҳаларидан бири бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қишлоқ жойларда аҳоли фаровонлигини юксалтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан сўнгги йилларда ушбу соҳада амалиётга бозор тамойиллари жорий этилаётгани, илм ва инновация асосида иш юритилаётгани туфайли улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Айтиш жоизки, узоқ йиллар давом этган пахта яккахокимлиги ва давлат томонидан соҳанинг қаттиқ тартибга солиниши Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожига путур етказмай қолмади. Тупроқ деградацияси, сув ресурслари камайиши ва фермерлар иқтисодий мустақиллигининг чекланиши бунга ёрқин мисолдир.

Таҳлил

Диверсификация самараси

Замонавий давр қаҳирқилари, жумладан, глобал иқлим ўзгаришлари, аҳоли сонининг ўсиши ва озиқ-овқатга бўлган талабнинг ортиши қишлоқ хўжалиги тизимини модернизациялаш ва диверсификациялаш заруратини келтириб чиқарди. Шу боис аграр соҳада бир нечта муҳим йўналишларни ўз ичига олган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Бу жараёнда, биринчидан, қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациялашга бирламчи вазифа сифатида қаралди. Пахта етиштириш майдонларини қисқартириб, ўрнига дон, мева-сабзавот, полиз ва бошқа озиқ-овқат экинлари жойлаштирилди. Хусусан, 160 минг гектар янги боғ ва тоқор барпо этилди. 1 миллиард долларлик 1 500 та озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилди. Буларнинг барчаси, бир томондан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминласа, иккинчи томондан, экспортбоп маҳсулотлар турларини кенгайтирди.

Қишлоқ хўжалигида ҳамон “яширин иқтисодиёт” улуши сақланиб қолаётгани бор гап. Таҳлиллар озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда қўшилган қиймат солиғи юқори эканлиги бунга сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари тadbиркорлар билан очик мулоқотда мазкур масалага эътибор қаратиб, бу борада деҳқон ва фермерларга қўлайлик яратиш, солиқ юқини енгиллаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берганди. Шунга мувофиқ, Халқаро валюта жамғармаси, малялаки хорижий ва маҳаллий экспертлар иштирокида қишлоқ хўжалигини “соя”дан чиқариш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2026 йил 1 январдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги корхоналари деҳқон ва фермерларга ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини (ғалла ва пахтадан ташқари) сотишда қўшилган қиймат солиғи “ноль” ставкада бўлади.

Шу билан бирга, маҳсулотни етиштиришда уруғ, ўғит, ёниғи, транспорт, электр энергияси каби харажатлар учун ҳисобга олинган ҚҚСни қайтариб бериш амалиёти ҳам сақланиб қолади. Натижада фермер ва деҳқонлар

эса маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириб, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминламоқда.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай шароитлар яратилмоқда. Фермерлар учун имтиёзли кредитлар, субсидиялар ва ўқув дастурлари тақдим этилмоқда. Бу жонқуярлик ва ислохотлар замирида биз эътибор беравермай-диган маъно бор, албатта.

Гап шундаки, қишлоқ хўжалиги — инсониятнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳимиётга эга бўлган соҳа. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш эса мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий барқарорлигининг муҳим шарт-ҳисобланади. Аграр соҳанинг ривожланиши ҳосилдорлиқни ошириш, янги ерларни ўзлаштириш ва замонавий технологияларни қўллаш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, нархларни барқарорлаштиришга ёрдам беради.

Иқлим ўзгаришларига мослашиш — зарурат

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар, ер ва сув ресурслари тақчиллиги қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ана шундай мураккаб шароитга қарамаздан, мўл ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириляпти.

2025 йилнинг мамлакатимизда “Агро-ф-мухити асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинган бежиз эмас, албатта. Бутун тақдири ва истикболи ер-сув ресурслари билан чамбарчас боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги учун бу қарорнинг аҳамияти бекиёқ. Мазкур йил бўйича амалиётга жорий этилган давлат дастури соҳани барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида “яшил” технологияларни қўллаш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш бўйича янги имкониятлар очди. Аграр соҳани илм-фан асосида ривожлантиришни тизимли йўлга қўйиш, унинг барча тармоқларидаги инновацион фаолиятни интеграциялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини очиш белгиланган.

Пахтачиликда 40 фоиз майдонда Хитойда ўзини оқлаган илғор тажриба жорий этилди. Маълумки, юқори ҳосилдорлиқнинг биринчи омил — бу уруғчиликдир. Хитой қишлоқ хўжалиги академияси экинлар уруғи ва қўчатчилигида катта тажрибага эга. Шу боис Юқори Чирчиқ туманидаги Агрохизматлар марказида Хитой тажрибаси асосида уруғчилик ва қўчатчилик йўлга қўйилди.

“Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси такомиллаштирилиб, маҳсулот етиштирувчиларга “бир дарча” тамойили асосида комплекс хизмат кўрсатиш тартиби жорий этилмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, қишлоқ аҳли учун янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилади. Шубҳасиз, бу саъй-ҳаракатлар ортида ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари импортига қарамлиқни камайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, қишлоқ инфра-тузилмасини яхшилаш мақсадлари ётибди.

Аграр сиёсатнинг фаол иштирокчиси

Замонавий қишлоқ хўжалигида муваффақиятга эришиш учун фақатгина меҳнатсеварлик етарли эмас. Ҳозирги кунда агрономлар, ветеринарлар, зоотехниклар, ирригаторлар, қишлоқ хўжалиги муҳандислари, агробизнес менежерлари ва бошқа мутахассисларнинг чуқур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади. Улар иқлим ўзгаришларига мослашиш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳосилдорлиқни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бозор талабларига жавоб бериш каби муаммоларни ҳал қила олишлари лозим.

Бундай кадрларни тайёрлашда эса шу кунларда ташкил этилганнинг 95 йиллигини нишонлаётган Тошкент давлат аграр университетининг роли бекиёқ. Университет жамоаси юқори малакали кадрлар тайёрлаш, назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни шакллантириш, соҳадаги долзарб муаммоларга илмий ечимлар топиш ва инновацияларни жорий этиш, илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш, фермерлар ва агросаноат корхоналарига маслаҳатлар бериш, соҳа мутахассисларининг билим ва кўникмаларини доимий равишда янгиллаб боришда фаоллик кўрсатаяпти.

Тошкент давлат аграр университети қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш бўйича давлат сиёсатининг фаол иштирокчиси сифатида

Дипломнинг бутун дунё миқёсида тан олиниси халқаро грантлар ва дастурларда иштирок этиш, талабалар ва ўқитувчилар алмашинувини кўпайтириш, битирувчиларини халқаро меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини кенгайтирди. Бу университетнинг халқаро миқёсдаги нуфузини кўтарди ва талабалар учун янги имкониятларни очди.

Университет илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни ўзаро боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилиш, келажак авлодлар учун озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнавчи маскан бўлиши, шубҳасиз. Шу сабабли аграр таълим ва илм-фанга инвестициялар йўналтиришни давом эттириш Ўзбекистоннинг стратегик устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Зеро, аграр соҳа тараққиёти озиқ-овқат хавфсизлигининг кафолатидир.

Муҳаммад Али САИДОВ,
Тошкент давлат аграр университети профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори.



Футзал: ҚИТЪА БИРИНЧИЛИГИДАГИ РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Куни кеча “Осиё кубоги — 2026” мусобақаси учун қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси Япония, Тожикистон ва Австралия билан бирга “С” гуруҳидан жой олди.

Мусобақа 2026 йилнинг 27 январидан 7 февралгача Индонезияда бўлиб ўтади. Мазкур гуруҳ нисбатан кучли, дея баҳоланмоқда. Чунки Япония жаҳоннинг кучли терма жамоаларидан ҳисобланса, Австралия сўнгги йилларда футболга катта эътибор қаратиб келяпти. Тожикистон минтақамизда тажрибали рақибларимиздан бири саналади.

Ўзбекистон футбол терма жамоаси сўнгги йилларда қитъа миқёсида барқарор ўйин намойиш этаётди. 2024 йилги Осиё кубогида жамоамиз бронза медални қўлга киритган эди.

Футбол:

«АНДИЖОН»НИНГ ТЎРТИНЧИ ДУРАНГИ

Баҳрайн пойтахти Манама шаҳрида “Андижон” клуби “Ал-Халдия”га қарши Осиё чемпионлиги лигаси-2 доирасида 4-тур учрашувини ўтказди. Бунгача гуруҳдаги учта баҳсда 0:0 ўйнаган “бургутлар” навбатдаги беллашувда ҳам ушбу натижани такрорлади.



Мезбонлар “Андижон” дарвозасини ОЧЛда ишғол этган илк клубга айланиш учун катта куч билан ҳужумга ташланди. Бироқ легионер дарвозабон Эржан Токтаев аjoyиб ўйин ўтказиб, бир нечта вазиятда сейлвари билан жамоамизни муқаррар голлардан сақлаб қолди.

“Андижон” дурангага рози бўлмаган ҳолда ғалаба голини киритиш иштиёқида тўп сурди. Бироқ гол уриш уларга яна насиб қилмади. Шунга қарамаздан “бургутлар”да гуруҳдан чиқиш имконияти бор. Навбатдаги 5-тур учрашуви 26 ноябрь кунини “Бобур арена”да Туркменистоннинг “Арқадаг” клубига қарши ўтказилади.

Шахмат: ЖАҲОН КУБОГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида шахмат бўйича умумий мукофот жамғармаси 2 миллион АКШ долларини ташкил қилувчи Жаҳон кубоги бўлиб ўтмоқда.

Дунёнинг 206 нафар шахматчиси катнашаётган нуфузли мусобақанинг 1/64 финал босқичида иккинчи учрашувлар ўтказилди. Тўрт

гроссмейстеримиздан икки нафари — Ж. Синдаров ва Н. Якуббоев икки ўйин натижасига кўра ғалаба қозониб, учинчи босқичга йўл олди. Жавоҳир биринчи учрашувда қора донларда черногориялик Н. Петровни мағлубиятга учратганди. Жавоб

баҳси дуранг натижа билан якунланди. Нодирбек эса германиялик Н. Хашимбентни таслим этди. Уларнинг илк баҳсида томонлар муросада келишганди. Икки ўйин натижасига кўра, 1,5:0,5 ҳисобида зафар қучган Якуббоев ҳам кейинги босқичга йўланма олди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
 («Халқ сўзи») тайёрлади.

ИХЧАМ ТЎЙЛАРИ БИЛАН ЎРНАК ЁЗЁВОНЛИКЛАР

Ёзёвон туманидаги Баҳор маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Исмоилжон Болқоновни маҳалладошлари намунали оила соҳиби сифатида билишади. Ушбу оила аъзолари тўй ва маросимларни дабдабасиз, камчиқим ўтказиш борасида бошланган эзгу ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади.

Ибрat

Исмоилжон отанинг набира-си Аъзамжоннинг никоҳ тўйига 100 нафар меҳмон — қариндош-уруғ, қўни-қўшни, куёв ва келиннинг дўстлари тақлиф этилди. Натижада дабдабадан холи, ортиқча чиқимларсиз ўтган тўй барчага манзур бўлди. Асосийси, бу ташаббус маҳалладошлар томонидан қўллаб-қувватланиб, Хуршид Парпиев, Исроил Абдурахмонов ҳам ана шундай ихчам тўй ўтказиб, кўпчилиكنинг дуосини олди.

Бундай ташаббус юртимиз

тин-қизлар бўлими бошлиғи Саида Усмонова. — 84 та ноқонуний оиланинг никоҳи расмийлаштирилди.

Аммо бу маълумотлар хотиржамлик учун етарли эмас. Айтилик, шу йилнинг тўққиз ойида туманда 594 та никоҳ расмийлаштирилди. Лекин бор-йўғи 113 та жуфтлик Ёзёвон тумани “Ёш келин-куёвлар мактаби”даги икки кунлик ўқувга жалб этилган, холос. Маҳалла хотин-қизлар фаоллари янги оила ҳақида тўй кўни ёки ундан кейин эшитиши таажжубланарлидир.

— Янги ташаббус туфайли битта оиланинг ихчам тўйга сарфлаган маблағи 17,5-18 миллион сўмни ташкил этди, — дейди “Баҳор” МФЙ раиси Маҳфуза Мамажонова. — Эндликда маҳалладаги тўйларнинг ҳар ойлик ҳисобо-

тини юритиш йўлга қўйилди. Ҳар бир оила тўй харажати олдидан билади. Унга қатъий амал қилишга одатланмоқда.

Маҳалладаги “Оқила аёллар” ҳаракатига 15 нафар она-хон бирашлаган, нафақадаги ўқитувчи Муҳаддас Нишоновна унга раҳбар. Беш нафар фарзандини ўқитиб, зиёли келинлар билан аҳил-иноқликда яшаётган онахоннинг гапини маҳаллада ҳеч ким икки қилмайди. Маҳалла аҳли бир ёқадан бош чиқариб, яқин йилларда маҳалланинг 19 та ички кўчаси тўлиқ асфальт қилинди. Қарийб 400 та бетон таянч усти-турларга қуёш панелли кўча чироклари ўрнатилди. Жорий йилда “аёллар дафтари”даги 104 нафар хотин-қиз тўлиқ рўйхатдан чиқарилди. “Камбағал оилалар реестри”га кiritилган 12 та оиланинг 6 та-

сига амалий ёрдам кўрсатилди.

— Маҳалламизда 1113 та оилада 4 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди “Баҳор” МФЙ хотин-қизлар фаоли Гулбаҳор Ҳасанбоева. — Эътиборлиси, ўтган тўққиз ойда маҳаллада бирорта ҳам ажрим қайд этилмади. Жиноятчилик кўрсаткичи бўйича ҳам маҳалла “яшил” ҳудудда.

— Тўй ва маросимларда исрофгарчиликка чек қўйиш, одоб-ахлоқ ва миллий қадриятларни тартиб қилиш мақсадида янги 90 кунлик дастур ишга туширилди, — дейди Ёзёвон тумани “Бувижонлар мактаби” жамоатчилик ҳаракати раҳбари, халқ депутатаи туман Кенгаши депутати Мавлудахон Мамадалиева. — Шу мақсадда Республика

ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг навбатдаги ялпи мажлисида ташкилотга Холид Аҳмад ал-Ананий янги бош директор этиб сайланди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 652 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғош бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 09.55

Топширилди — 10.55 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-ўй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусахҳис — С. Исломов.